

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

НАУОТИ

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 86. (6.923). Sotuvda erkin narxda

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Имом Каримов 18 июл куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари У И хонимни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга таширифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-Хитой муносабатлари изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Бугун ишонч билан айтиш мумкин, деди Имом Каримов, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган самарали ҳамкорлик алоқалари янги поғонага кўтаришмоқда. Кўп қиррали ҳамкорлигимиз узок муддатли асосда ривож топмоқда.

Мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш йўлида эришилган муваффақиятларда, алоқаларнинг бугунги юксак босқичга кўтарилишида ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг ўтган йили Ўзбекистонга, Президент Имом Каримовнинг жорий йилнинг май ойида Хитойга давлат таширифлари муҳим ўрин тутди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбарининг Хитойга таширифи чоғида имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома янги имкониятларни очиб берди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги

савдо-иқтисодий ҳамкорлик муттасил мустаҳкамланмоқда. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 69,6 фоизга ортиб, 367,1 миллион АКШ долларига тенглашди. 2005 йилнинг дастлабки 5 ойида эса бу кўрсаткич 113,8 миллион долларни ташкил қилди.

Ўзбекистонда Хитой сармоси иштирокида тузилган қўшма корхоналар сони юздан ошди. Юртимизда 26 та Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Бу корхона ва компаниялар савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари ва коммуникация соҳаларида фаолият кўрсатади.

Ижтимоий-маданий алоқалар ҳам мунтазам ривожланиб бормоқда. Хитой вакиллари «Шарк тароналари» халқаро мусика фестивалида, Ўзбекистон фольклор жамоалари Пекинда ўтаётган йиллик халқаро маданият ва сайёҳлик фестивалларида катнашиб келмоқда. Ўтган йили Тошкент ва Самарқандда Хитой маданияти кунлари бўлиб ўтди. Жорий йилда эса Пекин ва Шанхайда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик борасида 2005 йилнинг майида Тошкентда Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институти очилганини алоҳида таъкид

лаш жоиз. Пекиндаги Миллатлар марказий университетига эса Ўзбек тили бўлими очилди. 2003 йили Цзялинь провинциясининг Чанчунь шаҳрида буюк ўзбек мусавири Камолиддин Бехзоднинг ҳайкали қад ростлади.

Ўзбекистон билан Хитой сиёсий, ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳам ҳамжиҳат. Теорорчилик, экстремизм ва абиризмчилик каби муаммоларга қарши курашда сайёҳаракатлари ўзаро мувофиқлаштириб бораётган бўлиб ўтди. Хитойнинг доирасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани диққатга сазовордир.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг бугунги босқичига юқори баҳо берилар экан, ҳамкорлик қўлимини янада кенгайтириш учун ҳали икки мамлакатда имкониятлар кўп эканлиги, алоқаларни ривожлантиришдан томонлар бирдек манфаатдорлиги алоҳида таъкидланди.

У И хоним самимий қабул учун Имом Каримовга миннатдорлик изҳор этди. Тошкентда ўтган Ўзбекистон-Хитой бизнес-форуми яқин вақтларда ўз самарасини беришига ишонч билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. (УЗА)



- Тошкентда Ўзбекистон-Хитой бизнес-форуми бўлиб ўтди.
- Тошкентда Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида 2000 йил 30 ноябрдаги Россия Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳар икки давлатта бориши тўғрисидаги битимга ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги Баённома имзоланди.
- Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейида Самарқанднинг ўтмиши ва бугуни, халқимизнинг урф-одатлари ҳамда тарихий обидалари билан хорижлик меҳмонларни янада чуқур таништириш мақсадида «Самарқанд-турист» ахборот маркази иш бошлади.
- Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган «Оқ елкан» соғломлаштириш оромгоҳида «Экосан - Оролбўйи болаларига» широйи остида болалар бадиий ижодиётининг навбатдаги «Чорвок-2005» экологик фестивали бўлиб ўтди.
- Шахрисабз шаҳрида маҳалла ўсмирлари ўртасидаги «Футболнинг келажиги» аънавий спорт мусобақаларининг вилоят босқичи якунланди.
- Сирдарё вилоят меҳнат ва аҳоли иқтисодий муҳофазат қилиш бош бошқармаси ташаббуси билан тадбиркор аёллар ўқув-семинари ташкил этилди.
- Тошкент Фото уйдига словачиялик фото устаси Ладислав Стругарнинг кўргазмаси очилди. Кўргазма Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилди.
- Фузур туманидаги «Мустақиллик» истироҳат боғида вилоятдаги оилавий ансамбллар ҳамда миллий чолғучилар ижрочиларининг кўрик танлови ўтказилди.
- Қашқадарё вилояти хотин-қизлар кўмитаси июль ойини «хуқуқий саводхонлик ойи» деб эълон қилди.
- Тошкент туманида хуқуқни муҳофазат қилувчи идораларни мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2005 йилнинг биринчи ярмида туманда қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини муҳофазат қилиш, жиноятчилик ҳамда хуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.
- Навоий шаҳрида «Она ва бола скрининги», «Меҳр-муруват» марказлари ҳамда «Репродуктив саломатлик маркази» иш бошлади.

Истиқлол берган иқбол

Сўнгги пайтларда мамлакатимиз Қуролли Қўшларида олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ бугун биз ҳарбийларга жуда катта имконият имтиёзлар яратилмоқдаки, буни мамнуният билан қабул қилмоғимиз даркор.

Бундан ўн йиллар муқаддам йигитлар турли баҳоналар билан ҳарбий хизматдан бўйин товлашга ҳаракат қилишарди. Албатта, бундай ҳоллар ўша даврга хос сабаблардан келиб чиққанди.

Хозир-чи? Хозир ҳолат тамомилан бошқача. Эндиликда йигитлар ҳарбий хизматга боришни ва келажакда мана шу соҳада ишлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўймоқдалар. Шунга таъкидлаш жоизки, бу борадаги ташаббусни Президентимиз олиб чиқди. Яъни, Президентимиз Олий Мажлиснинг иккинчи қақриқ тўққизинчи сессиясида ҳарбий соҳада ислохотларни жаддалаштириш ҳақида таъкидлаб, бир қанча тақлифлар киритди. Ана шунлардан асосийларидан бири ҳарбий хизмат муддатини ўн санкис ойдан бир йилга қадар қисқ-қариштириш эди. Шунингдек, Юртбошиниз ўшанда резервдаги хизмат қонун-қоидаларини ҳамлаб чиқиш вазифаларини иш

илгари сурганди. Бир сўз билан айтганда, бу тақлифлар замирида қақриқлар учун ҳарбий хизматни ўтатиш тизимини ўзгартиришдек ҳаётий зарурат бор эди.


Шундан сўнг, Олий Мажлис иккинчи қақриқ ўнинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Умумий

дан илиқ кутиб олинди. Чунки у муддатли хизматга бора олмай қолган йигитлар учун қоронди айтиб ўтганимиздек, имкониятлардан биридир. Айни дамда муддатли ҳарбий хизмат қанчалар шарафли, фахрли ишга айланаётган бўлса, СҲР хизмати мақоми ҳам кўтарилиб бормоқда. Буни мен шу соҳа вакили, ҳарбий хизматчи сифатида кўриб-билиб, гувоҳи бўлганим боис таъкидлаётиман.

Демоқчимани, ислохотлар туфайли юртимизда ҳарбий хизмат ўз сафинга ҳар томонлама етук, баркамол йигитларни жалб қилмоқда. Улар хизматнинг қайси турида бўлишмасин, шу юрт, шу Ватан ҳимоясига отланишган. Шу маънода уларнинг мақсадлари муштарак.

Ўзимга келсак, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини битирганимдан сўнг, ҳарбий хизматни шартнома асосида давом эттирмакдман. Ҳарбийлик мен учун муқаддас бурч ва шарафли касб. Ёшлиқдаги оравим ҳам шу эди. Ҳарбий бўлиш ва муносиб хизмат қилиш. Хозирда қайсидагидир маънода олдимидаги ниятларимга эришялман ҳам. Демак, хизматимдан, касбимдан ҳар қанча фахрлансам ҳам ҳам.

Бобур БОЙМАТОВ, катта лейтенант.



Сарҳисоб қилдингизми, натижа қандай?

Вактнинг югуриклигини қаранг, бир зумда йилнинг ярми ҳам орта қолди. Бу оқибат эмас, албатта. Гарчи галвирини сувдан кўтаришга бироз эрта бўлса-да, кўпчилик ҳозирданок шу ўтган муддатни ўзича сарҳисоб қилиб ҳам кўраяпти. Нималарга эришди, нималарга улгуролмадик, нималарни режалаштирганди, қанчасининг удрасидан чиқдик? Ана шу саволлардан келиб чиқаётган хулосалар эса йилнинг иккинчи ярми учун ўзига хос режа вазифасини ҳам ўташи шубҳасиз. Ҳўш, ярим йиллик сиз учун қандай якунланди? Юртдошларимизнинг шу ҳақдаги фикрлари билан қизикдик.

Ахмад НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари:

— Дехқон борки, ҳисоб-китобни албатта экиннинг ҳосили, унинг чўғи билан ўлчади. Мана, масалан галлачиликни олайлик. Ўзбекистоннинг галла хирмонлари баракала бўлди. Бу нимадан дарак? Бу иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилганидан дарак, албатта.

Президентимизга минг раҳмат. Фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берди. Биз унинг афзалликларидан тобора кўпроқ баҳраманд бўляпмиз. Ўзимиздан қиёс. Бу йил галланнинг ҳар гектаридан 90 центнердан ҳосил олдик. Давлат шартномасини 120 фоизга уддаладик. Тайёрлаган донимиз 287 тоннадан ошиб кетди. Ҳисоб қилиб кўрдик. Фермер хўжалигимиз галланнинг ҳар гектаридан 1 миллион 700 минг сўмдан даромад қилди. Дехқоннинг қосаси оқаргани шу эмасми?!

Бу йил таъминотда жуда катта ўзгариш бўлди. Ёқилга зорикмадик. Қачон, қанча, қандай ёқилга зарур бўлса ўз вақтида олдик. Шартномадаги ўғитни тўла, ўз вақтида етказиб беришди. Дехқоннинг ортиқча югур-югур вақт йўқотишига ҳождат қолмади. Бу ёнғи ҳам иш шундай кетади, албатта. Чунки тизим тўғри йўлга қўйилди-да. Демакки, даромадимиз яна ортади.

Қайси юртда нон кўп бўлса, ўша юрт бой бўлади. Омборда донимиз, тандирда нонимиз, элда обройимиз бор.

Салоҳиддин АБДУРАХМОНОВ, Избоскан туманидаги А.Тиллабоев номи ширкат хўжалиги оилавий пудратчиси:

— Бугун бизга ўшаган оддий дехқонлар ҳам сарҳисоб қилиб кўришяпти. Тўғри-да, меҳнат қилгандан кейин манфаати ҳақида ҳам ўйлайди-ку аман. Шундай эмасми? Галнинг данғали, ишлаш учун яхши шароит борлиги

туфайли ҳозиргача анча-мунча нарсага улгурдик, шунга яраша даромад ҳам олдик. Келинг, буни оилавий пудратимиз мослида айтилай.

Бизда 20 гектар ер бор, шунинг 10 гектарыда супер элита навли уруғлик галла парвариши қилдик. Режа бўйича ҳосилдорлик 58 центнер эди, ҳақиқатда эса бу кўрсаткич 79,2 центнер бўлди. Етиштирган донимизнинг барчаси уруғликка ўтиши ҳисобига 11 миллион 674 минг сўм даромад қилдик. Шартномадан ортан салкам ўн беш тонналик галла эса ўзимизга қолди.

Бу гапларни бежизга айтаётганим йўқ. Дехқон уруғка, ўғитга қилмаси, парваришини ўз вақтида уддаласа, якунда асло хижолат чекиб қолмайди. Аксинча, меҳнатининг рохатини кўради. Биз меҳнат қилаётган жамоада бундай натижалар ҳамиша топилади.

Йилнинг ярми ўтибди. Аммо нолмайимиз, ҳаммаси кутганимиздек бўляпти. Айни кунларда асосий эътиборимизни қолган 10 гектар ердаги гўза парваришига қаратаёلمиз. Хозир далаларимиздаги гўзада 5-6 тадан қўсақ ҳосил бўлди. Йилнинг тўғрида бу 12-14 тани ташкил қилаётган бўлса, юқори ҳосил олишимиз турган гап. Қарабсизки, фойдамиз ҳам шунга яраша кўпаяди.

Ўрин МАМИДОВ, Миришкор туманидаги фермер хўжалиги раҳбари:

— Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислох қилиш, пировардида собиқ иттифоқ даврида фақат ҳам ашё етиштириш билан шуғулланган соҳага саноатни кенг жалб этиш ва энг муҳими, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар қатламнинг шакллантирилиши биз дехқонлар учун айнани мудоао бўлди.

Негаки, хозирги кунга келиб ишлашман, деган тадбиркорга ҳам, дехқонга ҳам ҳар томонлама қулайликлар яратилган.

Ўзимдан қиёс, 2002 йили «Қамина» фермер хўжалигини ташкил қилдим. Қарамоғимдаги 36 гектар ер қабул қилиб олганимда ташландик ҳолда эди. Ерга сидқидилдан қарасанг, ер ҳам саховатини ямас экан. Буни мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаялман. Бу йил шу ердан 130 тоннадан ортиқ ҳосил олдим. Ҳосилдорлик 42 центнерга тўғри келди.

Демоқчи бўлганим, бу каби ижобий ўзгаришларнинг асл илдизи, туб моҳияти фермерлик ривожига хизмат қилувчи, мазкур соҳани тартибга солувчи хуқуқий базанинг мустаҳкамлиги туфайлидир. Демак, истиқлол бизга катта имкониятлар берди. Ўз навбатида, мамлакатимиз равақига биз ҳам муносиб ҳисса қўша олсак, мана шунинг ўзи муваффақият.

—Юртимиз иқтисодиёти ривожига божхона ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Чунки бозорларимизни турли сифатсиз маҳсулотлардан сақлаш ҳамда мамлакатимиз бойликлариининг ноқонуний олиб чиқиб кетилиши олдини олишда бу соҳа вакиллари катта масъулият юкланади, - дейди Жиззах вилоят божхона бошқармаси катта инспектори Сайёра Турсунбоева. — Бу эса биздан зийраклик ва огохликни талаб этади. СУРАТДА: С.Турсунбоева.

Б.АКРАМОВ олган сурат.



Юртимиз, миллатимиз салоҳиятининг тимсоли

Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишга туширилганига 9 йил тўлди.

Энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллиги кўни тобора яқинлашмоқда. Бундай шухуқли лаҳзаларда одамнинг ҳаёлидан, мана, халқимизнинг асрий орзуси бўлиши миллий истиқлолга эришдик, шоир айтганидек, елкамизга офтоб тоғди, ана шу тарихий ютуқ, мустақиллик бугун нималарда намойн бўлмоқда, деган ўйлар кечилиб табиий.

Менангча, мустақиллик аввало юртдошларимизнинг дунёқарашда, онгу тафаккурида юз берган ўзгаришларда, қайта уйғонган миллий гуруҳимизда, Президентимиз таъбири билан айтганда, бизни таниган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайдди, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди, деган билан ашаётганиён бўлмоқда.

Мустақиллик соҳадаги ютуқ-хусусан, пахтачиға оширилганда, галла, нефть, соҳаларда ўз эътиқимимизни ўзимиз таъмин этаётганимизда ўз ақсини топмоқда.

Мустақиллик қандай улуг неъмат эканини юртимизнинг «шаҳар-кишлоқларимизнинг ўзгариб, тобора гўзаллашиб бораётган қиёфасида, маҳобатли бино ва кўприқлар, кенг ва равон йўللар, янги бунёд этилган, замонавий технологияларга асосланган корхоналар мисолида кўрмоқдамиз, англамоқдамиз. Ана шундай йирик ишшоотлардан бири - мураккаб ўтиш даврида Президентимиз Имом Каримовнинг ташаббуси ва қатъияти билан қурилган, мамлакатимиз, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин тимсоли бўлган - «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасидир.

(Давоми 2-бетда)

СУГУРТА

Жаҳоннинг ривожланган давлатларида сугурта ишига катта эътибор берилади.

Бу соҳа идоралари билан ҳамкорлик қилаётган ҳар бир инсон ўзини муҳофазаланган сезади. Чунки, сугурта ташкилотлари кўнгилсиз ҳодисадан қўрилган зарарни қоплаб беради.

Юртимизда ҳам мустақил

“Мадад” — тадбиркорлар таянчи

ликнинг дастлабки йиллариданок сугурта соҳасига эътибор кучайтирилди. Ана шундай муассасалардан бири тад

Утебаев билан суҳбатимиз филиалнинг бугунги ишлари тўғрисида бўлди.

(Давоми 3-бетда)

ХАЛҚ БАНКИ
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Мижозлар манфаати учун

Халқ банки муассасалари бугунги кунда банк тизимини ислох қилиш ва ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, иқтисодиётни барқарор ва юқори суръатларда ривожлантиришда фаол қатнашиб, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда банк миқозларига намунали хизмат кўрсатиш борасида аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

Хусусан, Халқ банки муассасалари депозит бозоридаги етакчилик фаолиятини давом эттирган ҳолда аҳоли бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш йўналишида ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда. Хозирда банк томонидан 20 га яқин турлари жорий оширилган тадда жорий йилни 6 8 миллиард сўмга яқин аҳоли бўш пул маблағлари банк омонатларига жалб этилди. Мижозларни банкнинг ютуқли омонат турларига қизиқиши кундан кунга ортиб бормоқда. Ўз навбатида, банкнинг ютуқли омонатлари аэвазига миллионер бўлган омонатчилар сони кундан кунга ортиб бормоқда.

Энг асосийси, хозирда Республикаимизнинг 3 та фуқаросидан биттаси Халқ банки омонатчиларидир.

Банк раҳбарияти мунтазам равишда янги омонат турларини жорий этмоқда. Жумладан, жорий йилнинг май-июн ойларида «Келажак», «Истиқлол» ва «Фаровон» муддатли ва ютуқли омонат турлари жорий этилди. Мазкур омонат турларига қисқа муддатда 1 миллиард сўмга яқин аҳоли бўш пул маблағлари жалб қилинди.

(Давоми 3-бетда)

ҚИШЛОҚДАН МАКТУБЛАР

Жаҳми набирам рангли ойнома кўтариб кирди:

— Божобон, бу нима ўзи, айтиқолинг...

У бармоқчасини нуқиб кўрсатаётган расмага бир қур кўз ташладим - «сахро кема-си»нинг тасвири.

Бўзлаб бораётган туялар

— Амакиларинг айтишмадим, - ўсмонқиладим.

— Шунинг билмайсанми? — деб қулишди.

— Бу туянинг расмику, на-соби этса, баҳорга чиқсак, сени чўлга олиб бориб кўрсатаман.

Набирам шодлиқдан қий-қириб юборди...

Беғубор хотиралар

Болалик хотиралари беғубор. Бундан ўн беш йиллар муқаддам туялар аҳоли ман-

зилгоҳларида уюр-уюр бўлиб кезишарди. Уйқароқ бола-лар учун уюрининг қишлоққа ораласи ўзига хос байрамга айланарди. Катталарнинг «Туя-ларга яқин борманглар, кутурган бўлиши мумкин» дея қайта-қайта ўқитишлари ҳам бесамар кетарди. Негаки бо-

ларга туялар даярли озор етказмас, қанчалик тегадоқлик қилишмасин, онда-сонда бошини силқитиб қўя қоларди.

Кексаларнинг туялар кучли хотира ва кенг сақлаш хусусиятига эга эканлиги тўғрисидаги бир ибратли ҳикоясини ҳамон унутма олмаيمان.

Ўтган асрнинг қирқинчи йиллари Хўжамуборада Қодир исмли туявақ бўлган экан. У хар гал сафарга чиқ-қанида Бўзачи қишлоғида қўниб ўтаркан.

(Давоми 4-бетда)

Мижозлар манфаати учун

(Боши 1-бетда)
Банк активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,3 миллиард сўмга ортди. Активларнинг асосий қисми юқори ликвидли даромад келтирувчи манбаларга, шу жумладан Давлат қиска ва ўрта муддатли облигацияларига бошқа банклардаги депозитларга, кредитларга ва қимматбаҳо қозғалар инвестициясига йўналтирилди.

Банк кредит портфели 2005 йил 1 июл ҳолатига 32 миллиард сўмдан ортиқ миқдорни ташкил этди, жорий

ри орқали 20 га яқин истеъмол товарларини қиска муддатда олиш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозирда 500 га яқин банк миқозлари мазкур истеъмол кредити орқали

Германиянинг Халқаро Жамғарма Кассалари Фонди билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида имзоланган келишувга асосан банкнинг Бухоро вилоятида навбатдаги Файзулла Хўжаев намунали филиали жаҳон стандартлари даражасида қайта таъмирланиб замонавий банк воситалари билан қайта жиҳозланди. Қўшимча равишда "Мерседес Бенс" русумли автомашина базасида ҳаракатланадиган иккинчи сайёр банк қарорлар томонидан Халқ банкига ажратилди ва миқозларга жойлар чиққан ҳолда хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур сайёр банклар бугунги кунда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти миқозларига омонат операцияларини амалга оширишда, нафақа тарқатишда, тўловларни қабул қилишда ва банкнинг қимматли қозғаларни сотиш муомалаларини амалга оширишда миқозларга қўлайликлар яратмоқда.

000 тани ташкил этмоқда. Шу билан бирга банк муассасалари жойларда 503 та савдо терминалларини ўрнатиб ишга туширган, банк раҳбарияти томонидан қўшимча 150 та савдо терминалларини худудий вилоятларнинг аҳоли жамғуру ҳудудларида ўрнатиш режалаштирилган.

Ҳалқ банкнинг "Тақдир инъоми" лхазали лотереясини сотилиши эвазига жорий йилда банк муассасалари томонидан қўшимча равишда 2,5 миллиард сўм нақд пул банк муассасалари томонидан жалб этилди.

буом лотереялари ўтказишни ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 396-сонли қарори талабларини ижро этиш ҳамда пулни банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк оборотига жалб қилишни янада жадаллаштириш мақсадда муомалага киритилган



йил давомида банк томонидан 24 миллиард сўмга яқин миқдорда кредит ажратилди. Ўтган давр мобайнида тадбиркорлик, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит миқдори 3,7 миллиард сўмни ташкил этди. Ажратилган кредитлар эвазига 700 дан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди.

ўзларига лозим бўлган товар ва буюмларни имтиёзли кредит ёрдамида олдилар. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида пул муомаласини барқарорлаштириш йўналишида олиб борилган ишлар натижасида банк муассасалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 миллиард сўмга кўп нақд пул тушумлари қабул қилинди ҳамда уларнинг салмоқли улуши биринчи даражаги тўловларнинг ўз вақтида берилишига йўналтирилди.

2004 йилни 2 декабрида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қонунни ижросини таъминлаш борасида бўлган 21 декабрида қабул қилган 595-сонли Қарори талаблари ижросини таъминлаш борасида бир неча тадбирлар амалга оширилди. Жойлардаги Халқ банки филиаллари жамғариб бориладиган пенсия тизимига 3,9 млн. фуқароларни ҳисобга олди ва уларга шахсий ҳисобварақларни очилиши таъминланди. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари тизимини бар-

очилган ҳисобварақларига ўтказилиши устидан кунилик мониторинг ўрнатилган, ҳозирда тизим иштротчиларини номига иш бевуричлар томонидан 7 миллиард сўмга яқин миқдордаги маблағ ўтказилган.




Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш ва шахсий жамғарилиб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш имконини берадиган маълумотлар электрон базасини шакллантириш учун дастурий таъминот ишлаб чиқилди ва ҳозирда Халқ банки филиаллари ушбу дастур ёрдамида тегишли муомалаларни амалга оширмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ёрдамида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни мақсади ва моҳияти юзасидан савол-жавоблар, давра суҳбатлари ҳамда реклама-тарғибот ишлари мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Банк томонидан аҳолига олти хил истеъмол кредити тақдир этилган ва жорий йилнинг I-ярим йиллиги давомида жисмоний шахсларга ажратилган истеъмол кредитлари ҳажми 7 миллиард сўмга яқин миқдорни ташкил этди. Жорий йилда аҳолига қўлайликлар яратиш мақсадида ишлаб чиқарувчи, сотувчи кафолати ва истеъмолчиларнинг тегишли миқдордаги омонат маблағи кафолатлари асосида бериладиган "Комфорт-люкс" истеъмол кредитининг берилиши йўлга қўйилди. Бу билан банк миқозлари савдо шаҳобчалари ичида фаолият кўрсатаётган Халқ банкнинг мини-банкла-

Банк муассасалари томонидан 2005 йилнинг январий ойлар давомида 110 миллиард сўмга яқин пенсия ва ижтимоий тўловлар тарқатилди. Жумладан, кам таъминланган оилаларга 5 миллиард сўм миқдордаги моддий ёрдам пуллари, 2 ва 18 ёшга болали оилаларга 92 миллиард сўм миқдордаги нафақалар ҳамда турли вазирилик ва идоралар пенсионерларига 13 миллиард сўм миқдорда нафақалар тарқатилди.



банкдан ташқари нақд пулнинг айланшини қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ишлар янада жадаллаштирилди. Жумладан, Халқ банкнинг муомаладаги пластик картончаларини сони жорий йилнинг 1 июл ҳолатига 24

ча иштирокчилари номига расмийлаштирилиб, тегишли корхона ва ташкилотларга етказилди. Корхоналар, ташкилотлар, фермер ҳўжаликлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан жам-

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги "Пул-



Вазият кескинлашмоқда

Ироқдаги вазият кун сайин жиддий тус олмақда. Хабарларга кўра, охириги уч кун мобайнида 11 марта террорчиларнинг ўзини ўзи портлатиб юбориш ҳолатлари кузатилган.

Бу кўпорувчиликларнинг энг йириги Мусайиб шаҳридаги масжид ёнида амалга оширилган. Ёқилғи ташиш машинасини бошқариб келган террорчи масжид яқинида машинани ва ўзини портлатиб юборган. Оқибатда 90 дан зиёд одам ҳалок бўлган ва 156 киши яраланган.



Ҳозирга қадар бирон бир террорчи гуруҳ ушбу хунрезликларни ўз зиммасига олгани йўқ. Бироқ "Ал-Қоида" ташкилоти Ироқдаги ҳаракатлари самарали кечётганини икки кундан буён маълум қилиб келмоқда.

Мексикага тўфон яқинлашяпти

Ямайка ва Кайман оролларида ҳаракатланаётган "Эмили" тўфони Мексикага хавф солмоқда.



Мексика қирғоқлари томон эсаётган тўфоннинг тезлиги соатига 250 километри ташкил қилмоқда. Мексиканинг Юкатан ярим оролидаги 70 мингга яқин сайёҳларни кўчириш давом этапти. Мутахассислар фикрига кўра, бу тўфон жуда қўли бўлиб, ҳаракатлари самарали кечётганини икки кундан буён маълум қилинмоқда.

Хайрли келишувлар

Индонезияда ҳукумат ва исёнчи гуруҳлар ўртасида кечган 30 йиллик можароларга чек қўйилди.



Мамлакат президенти Суслило Бамбанг Юдхойно Ачех вилояти исёнчилари билан муроСага боришга қарор қилган. Деярли барча мунозарали масалалар ҳал этилган. Ҳукумат вилоятдан қуролли курашчиларни олиб чиқиб кетишга ва галаёнчилар қуролларини топширишга келишишган.

1976 йилдан буён нефтга бой ушбу вилоятдаги "Ачех озодлиги ҳаракати" Индонезиядан ажралиб чиқиш учун кураш олиб бормоқда эди. Шу давр мобайнида ҳар икки томондан 15 мингга яқин одам ҳалок бўлган.

Ан-32 ҳалокати


Экваториал Гвинеяда ҳалокатга учраган Ан-32 самолёти қолдиқлари топилган.



Хабарларга кўра, самолётдаги 49 йўловчи ва 6 нафар экипаж аъзолари ҳалок бўлган. Мамлакат пойтахти Малабодан Батига йўл олган самолётнинг ҳалокат сабаблари номаълум. Айрим хабарларда келтирилишича, самолёт борилган тўфоннинг таъсирида ҳалок бўлган.

Бузилган аҳдлашув

Исроил ҳарбийларининг Ҳазо секторини қайта эгаллаш фохжали оқибатларга олиб келиши мумкин.



Бу ҳақда Фаластин ҳукумати вакили Соиб Арикат маълум қилди. Фаластинлик террорчиларнинг Исроил ҳудудида амалга оширган охириги терактлардан сўнг расмий Тел-Авив Ҳазо секторидagi вазиятни яна қўлга олишни маълум қилган. Ва Исроил расмийлари Фаластин ҳукумати террорчилар билан муроСага келиши учун бир неча соат муҳлат берган.

Соиб Арикат сўзига кўра, вазиятни кескинлаштирмаслик йўлида Россия, ЕИ ва БМТдан қўмақ сўралган.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 19 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобларни юриштириш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	839,80	1 Поляна злотийси	327,05
1 Англия фунт стерлинги	1964,95	1 СДР	1628,28
1 Дания кронаси	181,00	1 Туркия лираси	843,33
1 БАА дирҳами	305,17	1 Швейцария франки	865,73
1 АҚШ доллари	1120,78	1 ЕВРО	1349,76
1 Миср фунти	194,24	10 Жанубий Корея вони	10,79
1 Исландия кронаси	17,17	10 Япония иенаси	99,85
1 Канада доллари	917,47	1 Россия рубли	39,15
1 Хитой юани	135,42	1 Украина гривнаси	221,72
1 Малайзия ринггити	294,96		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "Илим ва зий" унитар корхонаси тугатилмоқда. Давлолар эълон чоп этилган санадан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел. 139-43-85, 139-13-77.

“Мадад” — тадбиркорлар таянчи

— Фарит Уринбоевич, сиз раҳбарлик қилаётган идоранинг асосий вазифаси нималардан иборат, аввало шу ҳақда айтиб берсангиз?

— Асосий вазифамиз тадбиркорликни, ўрта ва кичик бизнесни сугурта йўналишида қўллаб-қувватлашдан иборат. Тадбиркорлар тақдим қилган лойиҳаларнинг амалга оширилишига шариоит яратиш бериш, қиритилаётган инвестицияларни сугуртавий муҳофазалаш ҳам шулар жумласига кириди.

“Мадад” — тадбиркорлар таянчи

Бундан ташқари, олинган кредитнинг гаровга қўйилмаган қисми учун тадбиркорнинг масуллигини сугурта билан ҳимоя қилишимиз мумкин.

Яқинда ҳукумат томонидан қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини тақомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганилик учун жавобгарликни қучайтириш тўғрисида"ги ҳужжатлар юртимизда тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

— Бу ишлар, албатта, ўз-ўзидан бўлмайди. Кимлар сиз билан ҳамкорлик қилаётиб?

— Агентлигимиз тадбиркорларга, фермерларга кредитлар ажратаётган Бизнес-фонд билан яқин алоқа ўрнатган. Айни вақтда биз барча банклар, инвестицион ва нодавлат ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қилаймиз. Осиё тараққиёт банки, лизинг компаниялари, "Орол" жамғармаси шулар жумласидан.

Тадбиркорлик қилмоқчи бўлган одам энг аввало маблағ томондан қийналади. Бунинг учун кредит сўраб у банкларга мурожаат қилади. Мана шундай тадбиркорлар билан биз ишлашамиз. Илгари бир неча йил тадбиркорлар палатасини бошқарганман. Улар дўх келадиган муаммоларни беш қўлда билмаган. Шунинг учун ҳам тадбиркорнинг оёқ туришига қўмақлашчи асосий мақсадларимиздан бири бўлиб қолган.

Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, 2005 йилнинг 6 ойида филиалимизда тадбиркорнинг кредитни қайтаришга масуллигини сугурталаш 463 миң сўмга, мол-мулкни сугурталаш 247641,3 миң сўмга, қўнгилсиз ҳодисалардан сугурталаш 12800 миң сўмга ва бошқа сугурта ишлари 7291121 миң сўмга яқин қўрсаткичлар билан бажарилганини кўришимиз мумкин.

Тадбиркор катта маблағ билан фаолиятини бошлар экан, бир томондан у таваккалликка ҳам суянади. Шунинг учун биз каби сугурта компаниялари билан алоқада бўлиши тадбиркорга фақат наф келтиради.

Ҳозир фаолиятимиз янада кенгайиб, таълим кредитини сугурта қилишимиз ҳам мумкин. Контракт асосида ўқётган ёшларимиз бундан бемалол фойдаланиш имкониятига эга.

— Айтинг-чи, сугурта соҳаси келажакни қандай тасаввур қиласиз?

— Ривожланган хорижий давлатлар турмуш тарзини кузатсангиз, уларда сугуртага катта аҳамият берилишига амин бўласиз. Яъни инсон туғилганидан охиригача сугурта компанияси ҳимоясига ўтади.

Катъий ишонаманки, бизда ҳам сугуртанинг келажакни порлок, бизда сугурта тобора кенгайиб бораёпти. Шундай пайт келадиги, юртошларимиз сугуртани ўз ҳаётларининг муҳим таркибий қисми, дея эътироф қилишади.

Сўхбатдош:
Хидоят АХМЕДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

5 миллион тоннага етди

Республикамиз галла майдонларида мўл ҳосил етиштирилгани бонс, дала-лардан дон йиғиб олиш ишлари давом этмоқда.

Айни вақтда бу жараён Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент, Наманган ва Қорақалпоғистон Республикаларида олиб борилмоқда. Тезкор маълумотларга қараганда, ҳозиргача уюлган ялпи ҳосил миқдори беш миллион тоннага етди. Бу қўрсаткич яна ортинчи қўтилмоқда. Чунки мавсум ниҳоясига етганича йўқ.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, сувли майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 46,2 центнердан ҳосил олинмоқда. Бу ўтган йил натижалари билан солиштирилганда, тахминан 4 центнерга юқори қўрсаткичдир. Далаларда 1035 та ўрим техникалари ишти-

Ғўза парвариши қандай?

Юртимиз далаларида ғўза парваришига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ниҳолларни озиклантириш ва сугуртиш тадбирлари айни пайтда олиб борилаётган асосий юмушлардан биридир. Агротехника қондаларига амал қилинаётгани бонс, олди майдонлардаги ғўзаларда 5-6 тадан кўсак яратилди. Мутахассисларнинг эътирофи эитишча, агарда ғўза ривож шў зайлда давом этса, йилги-теримда гектаридан 30-35

Деҳқон ва фермер хўжаликлари соҳиблари, Сизлар учун!

Пуркагичлар КЕРАКМИ?

МАРҲАМАТ!

Боғлар, सबзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, энгил ва қўлай қилиб ишлаб чиқарилаган пуркагичлардан фойдаланинг.

Улардан дезинфекция қилишда, йўл ёқаларидаги ўт-ўланларни йўқотишда ҳам фойдаланиш мумкин.

"Узқишлоқхўжалиқмашхолоғинг" компанияси таркибидagi "Агрехим" Ўзбекистон — Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Узстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва 7 йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келинапти.

Пуркагичларни маблағ ўтказиш ва нақд пул тулаш йўли билан сотиб олиш мумкин.

Қўшма корхона шундай пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб ҳам беради.

Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй
Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30.
Тел.: (098-71) 169-35-46. 169-49-33; факс: 169-49-44

Пуркагичлар соҳасида янгилик!

Яқиндан бошлаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ОДК "Корниол" С-100 русумидаги двигателли пуркагич аравачага ўрнатилган бўлиб, сизим 100 литр сувоқликка мўлжалланган.

